



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 1 февраль, № 23 (4176)

Пайшанба

КИШ — ДЕҲҚОН УЧУН ДАМ ОЛИШ ФАСЛИ ЭМАС



Бекобод — пойтахт вилоятидаги энг узок ва деҳқончилик қилиш учун мураккаб туман. Бироқ бекободликлар бор тажрибаларини ишга солиб, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилаётганликлари боис, кейинги

йилларда улар давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома режаларини мунтазам равишда удраламоқдалар. Айниқса, қиш пайтида шудгор қилинган майдонларга пушта олиниб, баҳорда уруғлик қада-лаётганлиги яхши натижа берапти.

БЕКОБОД ДАЛАЛАРИДА ПУШТА ОЛИНМОҚДА

Шуни таъкидлаш лозимки, туман вилоятнинг жанубий қисмида жойлашганлиги боис деҳқончилик қилиш учун майдонлар эрта тайёр бўлади. Бу бошқа туманларга нисбатан илгарироқ экин-тикин ишларини бошлаш имконини беради.

Бекободлик пахтакорлар жорий йилда 16900 гектар майдонга чигит экишни режалаштирган. Унинг 14 минг гектарига пушта олиниб, уруғлик қадалади. Ҳозир деҳқонлар об-хавонинг илқ кунларидан унумли фойдаланиб, пушта олиш ишларини бошлаб юборишди. Техника воситаларининг ҳаммаси тўла

қувват билан ишлатилмоқда.

Биз Навоий номи фермерлар уюшмасининг "Лайло-Жавлонбек" фермер хўжалигида бўлганимизда, кузда шудгор қилинган майдонларда пушта оли-наётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Мазкур тадбирнинг самараси ниҳоятда катта, — дейди уюшма худудидаги муқобил МТП раҳбари Хонимқул Абдуалиев. — Аввало, уруғликнинг униб чиқиши тезлашади, ниҳоллар қуёш ҳароратини тез олади, сув қўлламайди, бегона ўтлар кам чиқади, энг муҳими, ғўзаларга ишлов беришда харажат камаяди.

Сўхбатдошимиз билан дала айландик. Иккита трактор ёрдамида кунига 10-15 гектар майдонда пушта олинмоқда.

Хонимқул Абдуалиевнинг айтишича, уюшмада мавзуд 1272 гектар майдоннинг 90 фоизига пушта олиниб, чигит экилади. Бу тадбир февраль ойида ниҳосига етказилади.

Туманининг бошқа фермер хўжаликлари уюшмаларида ҳам қишки тадбирлар жадал амалга оширилмоқда. Хусусан, далааларга маҳаллий ўғит қиқариш, арик-зовурларни тозалаш ишлари рисоладагидек бажарилляпти.

Аслида бекободлик деҳқонларнинг

бахор келишини кутиб ўтирмасдан, дала ишларини бошлаб юборганликлари "Қиш — деҳқон учун дам олиш фасли эмас" деган нақлнинг исботи, десак, муболага бўлмайди.

Ҳосил **КАРИМОВ**, "Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: муқобил МТП раҳбари Хонимқул Абдуалиев ва "Лайло-Жавлонбек" фермер хўжалиги бошлиғи Маматқул Отақулов тупроқдаги ҳарорат мақбул даражага кўтаришга қўриқиб сўхбатлашмоқда; пушта олиш пайти.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Маърифат соати

Ҳеч эсимдан чиқмайди: 1996 йил 4 сентябрь. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилиги маркази раҳбарияти ва аъзолари билан учрашувда «Юксак маънавиятсиз келажақ йўқ» деган ва мамлакатимиз тараққиётининг тамал қоидаларидан бирига айланган машҳур ҳикматли иборани айтган эдилар.

ОДАМЛАРГА ҲАМДАМ БЎЛ!

Ҳа, у шунчаки ҳикматли бир ибора бўлиб қолмади, балки мустақил Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва ўзига мос ривожланиш йўлининг негизига айланди. Утган давр мо-байнида халқимизни маънавий-маърифий ривожлантириш йўлида шу қадар кўп ва кенг қамровли ишлар амалга оширилдики, ёзверасек дoston бўлади.

Йўлбошимиз бу соҳа ривожига тинимсиз катта эътибор бериб келяптилар. Президентимиз томонидан 2006 йилнинг 25 августда «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» имзо-ланган Қарор маънавий-маърифий ишларни янги сифат босқичларига кўтаришга хизмат қилади. Ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ниҳоятда улкан ва долзарб аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, маънавий фаолият ҳозирги демократик давр талаблари даражасига кўтарилмоғи керак.

Маънавий фаолият — инсоннинг кўнгли, онги, руҳиятига ҳамдамликдан бошланади. Оддий бир далил-ни келтирайлик. Бошига мусибат тушган одам руҳий далдага алоҳи-да эҳтиёж сезади. Одамлар бунчи сезади ва албатта вақт, имконият топиб, ўша одамдан кўнгли сўрагани боришади. Мусибатни тузатиб бўлмайди, аммо мусибатдан эзилган кўнглини кўтариш, кўнгли дардларини енгиллатиш — ҳар бир оқил, аймонли, диёнатли инсоннинг қўлидан келади. Бу — унинг маънавий бурчи. Мана шу кичик

ка Маънавият тарғибот марказининг Самарқанд шаҳри бўлимида Юртбошимизнинг юқорида эсланган қарори асосида махсус семинар ўтказдик. Унда Самарқанд шаҳри илмий-педагогик ва ижодий жамоатчилиги намояндалари қатнашиб, маънавий тарғибот ишининг сифатини яхшилаш юзасидан атрафлича фикрлашдилар. Ҳозирги кунда одамларни йиғиб, эрикарли маърузалар ўқишдан кўра, жойларда — маҳаллаларда, таълим муассасаларида, ташкилотлар ва корхоналарда бўлиб, ҳозирги иқтимоий-маънавий тараққиётнинг долзарб муаммолари бўйича халқ билан ўзаро мулоқотлар, сўхбатлар, ошқора фикр алмашувлар уюштириш, эл фикрини эшитиш, уларни ўйлантираётган масалаларга биргаликда жавоблар излаш — маънавий-маърифий тарғиботнинг энг самарали, демократик йўли эканлиги кўнгличак томонидан таъкидланди. Бу йўналишда яхши натижаларга ҳам эриша бошладик.

Чўнончи, 2006 йилда маҳалла оксоқоллари ва маслаҳатчилари сайлови бўлди. Қилинган саъй-амалларимиз натижаси кўвончли бўлди: маҳаллаларнинг аксариятига эл орасидан замонавий билим-маданиятли ва маънавиятли кишиларни топиб, раҳбар этиб сайланди. Шу тариқа, Марказимиз эл ишига ҳамдамликнинг яхши амалини бажара олдилар, деб ўйлайман.

Маънавий-маърифий тарғиботда диққатга сазовор кўргазмалар ташкил этилиши ҳам ҳаётий иш усули мисол, табиий равишда, маънавий фаолиятнинг бир инсоний кўринишидир.



Мамлакатимизда бу йўналишда катта саъй-амаллар қилинмоқда. 9 Майнинг бизда Хотира ва Қадрлаш кунини деб аталиши миллиятнинг маънавий уйғонишида буюк туб бурилушлардан биридир. Ҳа, фақат «ғалаба»ни эслаш, аммо бу ғалабани таъминлаб, бу дунёдан эрта кетган одамларни унуттириш ўзи ўта кетган маънавий сизилдик эди. Президентимиз те-расиб қарор эълон қилиб бунинг ан-гладилар ва халқимизга аналтиди-лар. 9 Май — инсон қадрига ҳам-дамлик, унинг хотирасини азизлаш кунига айланганлиги — маънавий дунёқарашимиздаги ноёб воқеа-дир.

Президентимиз томонидан мустақиллик давридаги ҳар бир йил-нинг инсон қадри ва манфаатларини эъозлаш босқичларига ай-лантирилганлиги ва ҳар бир йил муайян бир эзгу ном билан ата-лаётганлиги — одамзотга ҳамдам-ликнинг ажойиб намунаси-дир. Мана, 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб аталди. Бу йил учун мах-сус Давлат дастури қабул қилин-ди. Дастурдаги вазифаларни бажариш учун беҳад катта ҳамдамаб-лағлар ажратилмоқда. Давлатимиз томонидан қўйилган мана шу ин-соний қадамнинг ўзи чукр маъна-вий тарбия кучига эга.

Инсонни, энг аввало, атрафни ўраб турган иқтимоий ҳаёт, тур-муш тарзи кўпроқ ва кучлироқ маъ-навий тарбиялайди. Ҳаёт ва унинг мазмуни — энг буюк маънавий тар-бия дорилфунунидир.

Шу билан бирга, бевосита мил-лий ғоя тарғиботи, маънавий-маъ-рифий фаолият ҳам инсон ҳаётида катта ўрин ва мавқеа тутади. Уларга маънавий эҳтиёж катта. Республи-

Тангир САТТОРОВ,
Республика Маънавият тарғибот
марказининг Самарқанд шаҳар
бўлими раҳбари.

СУРАТДА: марказнинг Самарқанд
шаҳар бўлими фаолиятдан лавқа.

Ўзбекистон Президентининг қонунчилик ташаббуси Германияда тақдим этилди

Адлия вазири Ф.Отахонов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг Германияга ташрифи доирасида ушбу мамлакат ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг парламентга қонунчилик ташаббуси тартибда киритган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда Германия сиёсий ва ижтимоий доираларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон адлия вазири ўз чизиқларида янги қонун лойиҳаларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти тўғрисида батафсил тўхтади. У Президент Ислам Каримовнинг қонунчилик ташаббуси жамиятнинг босқинча-босқинч ислох этиш талаблари билан боғлиқ эканлиги ҳамда давлат бошқарувини янгилаш, янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини оширишга қаратилганлиги алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон раҳбари таъкид этган янги қонун лойиҳалари мамлакатда парламент, маъмурий ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг ман-тиқий давомидир, деди у.

Тақдимот иштирокчиларда кат-та қизиқиш уйғотди. Жумладан, **Бундестаг депутаты, оила, ёш-**

лар ва хотин-қизлар федерал вазирлигининг парламентдаги собиқ давлат котиби, «Яшил-лар» партиясининг аъзоси **М.Бек хоним** таъкидлаганидек, агар яқин-яқингача Гарбнинг Ўзбекистонга қизиқиши, энг аввало, мамлакатнинг бой табиий ва ҳомашё захиралари билан боғ-лиқ бўлган бўлса, эндиликда хал-қаро майдонда Ўзбекистоннинг сиёсий аҳамиятини аналлаш тобо-ра кучайиб бормоқда.

— Чоризм ва коммунизм давр-ларида ашаган Марказий Осиё мамлакатлари учун бир ҳолдан бошқа бир ҳолатга ўтиш учун му-айян вақт талаб этилади. Бунда асосий вазифа — демократик ин-ституларни ривожлантиришдаги қатъиятли йўналишидир. Шу му-носабат билан мен Ўзбекистон Республикаси Президентининг

қонунчилик ташаббусини пухта ўрганиш лозим, деб ҳисоблай-ман. Мамлакат раҳбариятининг бу қадами, шубҳасиз, давлат бошқа-руви ва жамиятда сиёсий партия-ларнинг ролини мустаҳкамлашга қаратилганлиги, — деди М.Бек хо-нини.

— Ўзбекистондаги ислохларнинг бориши билан танишиш менда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Берлин депутатлар палатаси собиқ аъзоси **Ф.Липельт**. — Тақдимот чоғида мам-лакатнинг раҳбарияти жамиятни янада демократлаштиришга йўналтирилган муҳим қадам таш-лаганига яна бир бор амин бўлдим. Менинг фикримча, бу борадаги барча чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг Германия ва Евро-па Иттифоқи билан ҳамкорли-гини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

ГФР ташқи ишлар вазирли-гининг бўлим бошлиғи Р.Шульце ўз шарҳида қуйидаги-ларни таъкидлади: — Мана кўп йиллардан буён Германия ва Ўзбекистон ўртаси-да, жумладан, ҳуқуқ ва демократ-тик институларни ривожлантириш соҳасида «яқин ва яқин» алоқа-лар ўрнатилган. У 2006 йилнинг ноябрь ойида Германия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Ф. В.

Штайнмайернинг Тошкентга таш-рифи чоғида ўз тасдиғини топган Ўзбекистон билан икки томонла-ма ҳамкорлигини янада ривожлан-тириш юзасидан Германиянинг манфаатдорлиги хусусида тўхта-ди. Ҳуқуқий давлатчилик соҳаси-да Марказий Осиё мамлакатла-рига маслаҳат кўмагини кўрсату-ви Германия Техникавий ёрдам жамиятининг минтақавий бюроси-ни Ўзбекистонда очишга қарор қилинган мамлакатимиз икки то-монлама ҳамкорликини ривожлан-тиришга тайёр эканлигидан яна бир бор даллат беради, — деди у.

«Европа-Берлин» жамияти раҳбари **В.Фурман** «Жаҳон» ах-борот агентлиги мухбири билан сўхбатда қайд этганидек, Герма-ния жамоатчилиги Ўзбекистонда ривожланиб бораётган демократ-тик ҳаракатларни диққат билан ку-затиб бормоқда. Ўзбекистон ва Европада Аденгауз жамғармаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик бўлса кўлаб-кўлабланаятир, — деди В.Фурман.

«Жаҳон» АА.
Берлин.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкентда Ўзбекистон Оксоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқа-рувининг 2006 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.



Унда «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедовнинг ташкилотнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йиллик фаолияти якун-ларига оид маърузаси тингланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ўз ўзини бош-қарининг ноёб бўғини — маҳалла фаолиятига ало-ҳида эътибор қаратилганли-ги, аҳолини иқтимоий ҳимоя қилиш кўламлири-ни янада кенгайтириш ва кучайтириш, унинг муҳ-

тож тоифаларига, ноғи-ронлар ва ёлғиз кексалар-га аниқ, табақалаштирил-ган тарзда ёрдам қилиш самарадорлигини ошириш бўйича муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилган-лиги таъкидланди.

2006 йили «Маҳалла» хайрия жамғармасининг республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлимчалари то-монидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастуридаги асосий йўналиш-лардан бири ҳисобланган

аҳолини иқтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳр-муруват ишларига 3 миллион 821 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф-ланди. Хусусан, кам таъ-минланган ва иқтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро-лар ва тегшли муасса-салардан тушган 37460 ариза жамғарманинг ре-спублика бошқаруви ҳамда унинг бўлим ва бўлимча-ларида ўрганиб чиқилди. Шундан 34650 таси ижо-бий ҳал этилиб, салкам бир миллион 878 мил-лион сўмлик хайрия ёр-

дами ажратилди. Шунинг-дек, турли байрамлар ва саналар муносабати билан эҳтиёжман оилалар-га хомийлар кўмағида қарийб 4 миллиард 527 миллион сўмлик муруват ёрдами кўрсатилди.

Пленумда Ижтимоий ҳимоя йилида жамғарма томонидан бажарилган зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

«Маҳалла» хайрия жам-ғармаси тегшли ташқи-лотлар билан ҳамкорлик-да уюштирилган аънавий «Энг ибратли маҳалла

оксоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оксоқоли», «Ма-ҳалла жонқури», «Фуқа-ролар йилларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тар-бия масалалари бўйича маслаҳатчиси», «Энг ибрат-ли маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссия-си» кўрик-танловлари мам-лакат босқинчи фойлиб-рига совирилган топши-рилди.

Т.БОТИБЕКОВ,
Ўза мухбири.

Февраль об-ҳавоси

Устюртда эса 7-8 даража совуқ бўлади. Ой давомида харо-рат кечалари 3-8 даража иссиқдан 3-8 даражага совуқ, кун-дуз кунлари 10-15 даража иссиқдан 0-5 да-

ражага иссиқ атра-физда, республикамиз шимолида эса кечала-ри 2 даража совуқ, 3 даража иссиқдан 10-15 даража совуқча, кундуз кунлари 3-8 даража иссиқдан 2-7 да-

метрни, тоғолди ва тоғ-ли туманларда 55-95 миллиметрни, мамла-кат шимолида, Бухоро вилоятида, Фарғона ва Наманган вилоятлари-нинг айрим туманлари-да 7-19 миллиметрни ташкил этади. Ой давомида вақти-вақти билан ёлғинчи-лик бўлиши кутуляпти.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар салмоғини ошириш, хусусан, кутубхоналар фаолияти-ни тақомиллаштириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадрият-ларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари-га жиҳдий эътибор қаратилаётир.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнда қабул қилин-ган «Республика аҳолиси-ни ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борада асосий омил бўлмоқда.

Қорақалпоғистон Ре-спубликаси марказий кутуб-хонаси ҳам Республика ах-борот-кутубхона марказига айлантирилди. Бугунги кунда 230 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган маъруза зини маскани замонавий компьютерлар ва бошқа зарур техника билан жиҳозланди, 785 ном-даги янги адабиёт, 80 ном-даги газета ва журналлар олиниб, ўқувчилар учун етарли қўлайликлар яра-тилди.

— Эндиликда кутубхо-нар ўзларига зарур бўлган ахборот ва маълумотларни қисқа фурсатда олиш им-конига эга бўлдилар, — дейди марказ директори Зебоғул Сафарова. — Мар-каз ходимлари ишга тан-лов асосида қабул қилин-ди, янгилаш услубида иш юри-тиш бўйича малака ошир-ди. Китоблар, даврий нашр-лар ва бошқа ҳужжатлар-нинг электрон вариантлари яратилиб, Интернет тармо-ғидан фойдаланиш имко-ниятлари вуҷудга келди. Марказ илмий тадқиқотчи-лар, ёш олимлар, айниқ-са, талаба-ёшлар билан доимо гавжум.

— Ахборот-кутубхона маркази хизматидан фой-даланувчилар кун сайин кўпайиб бормоқда, — дей-ди марказ ходими Мийри-хон Абдусодиқова. — Бу ерда 1940 йилдан бери чоп этилаётган газета-жур-наллар, юзлаб нусхадаги нодир китоблар сақлана-ди. Хизматимиздан фойда-ланувчилар учун янада кенгрок имкониятлар, шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

А.ОРТИҚБЕКОВ,
Ўза мухбири.

Республика Гидро-метеорология мар-казидан олинган маълум-отга қараганда, фев-раль ойида ҳавонинг ўртача ҳарорати мейёр атрафида бўлади ва 0-3 даража иссиқни таш-кил этади. Жанубий вилоятларда 4-7 дара-жа иссиқ, мамлакат шимолида 1-6 даража,

Сенатор минбари

Олий Мажлис Сенати минбаридан Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил Давлат бюджети параметрларида халқ таълими соҳасига ажратилаётган маблағлар ва устувор йўналишлар буйича тақлиф ва мулоҳазаларини билдирар эканман, аввало, фарзандларимизни билимни, зеҳни, маънавийлиги қилиб тарбиялаш йўлида тинмай заҳмат чекаётган ҳаммаслақ, ҳамкасбаб юртдошларимнинг нигоҳларини, фидойиликка тўла қалби тафтини юракдан ҳис қилдим. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг VIII ялпи мажлиси маъқуллаган қонунлар ва уларнинг аҳамияти жиҳатидан салмоқли кечди. Маълумки, қонунлар, лойиҳалар муҳокама қилинар экан, уларнинг ҳар бир моддаси мазмуни атрофлича урганилади. Мақсад ягона: токи ушбу қонун лойиҳасига тааллуқли соҳанинг ҳар бир жиҳати тўлиқ қамраб олинсин ва келажақда унинг ижроси самарали натижа берсин.

МАКТАБГА САРФЛАНГАН 1 СЎМ

келажақда миллионларни етаклаб келиши, шубҳасиз

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг мазкур ялпи йиғилишида маърузасида 2007 йил давлат бюджети параметрлари ҳақиқатларини 1739,5 млрд. сўми айнан маориф соҳасига сарфланган кўзга сохисига ва ушбу курсатки жами ҳақиқатларнинг 35,3 фоизини ташкил қилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, ушбу маблағлар ҳисобига келгуси йилда мактабларнинг кутубхона фондлари, биринчи синф ўқувчиларини, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ва махсус мактабларини 2006-2007 ўқув йили бошланғич қадар дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлашга 12,4 млрд. сўм, академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун янги китобларни харид қилишга 3,4 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда.

олган ҳолда 2007 йилнинг январидан бошлаб академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини замонавий компьютер синфлари, лаборатория ва касб-хунар асбоблари билан таъминлашга салкам 17,3 млрд. сўм сарфланган бўлса, 2007 йил Давлат бюджетидан ушбу мақсадларга 18,0 млрд. сўм ажратилди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилда ушбу маблағларнинг самарали сарфлангани таъминлаш мақсадида муайян молиялаштириш чоралари кўрилди. Албатта, бу ўринда тегишли вазирликлар ва маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир ўқув масканининг асбоб-ускуналарга,

компьютер синфлари ва мебель жиҳозларга бўлган эҳтиёжларини тўла ҳисобга олдидилар. Шунингдек, юқорида айтиб ўтилган ҳақиқатларнинг маҳаллий бюджетдан молиялаштириш жараёни жойлардаги ҳокимликлар томонидан назоратга олинаётганини, бюджет маблағлари самарали ишлатилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

Маориф соҳасига Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағларни таҳлил қилар эканмиз, ушбу маблағлар нафақат таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ва унда ишловчи ходимларнинг моддий таъминлашга, балки ушбу муассасаларда таълим олувчи ўқувчиларни, айниқса кам таъминланган оилалардан чиққан фарзандларимизни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётганини ҳам айт-

масак бўлмас. Утган йилда ўқитувчиларга иш ҳақи ва таътил пуллари, талабаларга стипендиялар, икки ёшга тўлмаган фарзандларнинг тарбиялаётганларга нафақалар ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиб келинди. 2007 йилда республика бюджети маблағлари ҳисобидан биринчи синф ўқувчилари учун ўқув қуроллари тўплами ва кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчилар учун қишқи қийим-бош ва пойабзал харид қилишга 25,0 млрд. сўм миқдорда маблағлар ажратилишга тўтилган.

Албатта, маориф соҳасига ажратилаётган бюджет маблағлари миқдорининг кескин ошиши туфайли халқ таълимининг туман (шаҳар) миқёсидаги худудий таълим муассасаларини методик ва молиявий таъминлаш тизимини ҳам ислоҳ қилиш зарур бўлмоқда. Амалдаги тизим-да туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг бюджет маблағларини умумтаълим муассасалари раҳбарларининг иштирокисиз тақсимлаши натижасида бу маблағларнинг мақсадли сарфланishiда баъзи бир камчиликлар юзага келмоқда. Шу босис, ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳамда уларнинг қошидаги методик кабинетлар неғизда туман (шаҳар) Халқ таълими марказларини тузиш тақлиф қилинди. Уларнинг асосий вазифаларига мактабга, туманий ўрта ва мактабдан ошқари таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган яна давлат сибатини амалга ошириш, умумий ўрта таълимининг Давлат таълим стандартларини, ўқитишнинг замонавий илгор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқув-тарбия жараёнида

ХАТЛАР сўзлайди

ГАЗЕТХОН...

Ишончимиз мақсадга айлансин

Бугун ён-атрофга назар солиб, замондошларим кайфиятини қузатар эканман, бир нарсага амин бўлдим. Бу ҳам бўлса, одамлардаги ишонч, эртанги кунга катта умид боғлашдир. Юртимизда бугун қариялар, ногиронлар, она ва бола давлат ҳимоясига олинган, динда, эътиқодда эркинмиз, азиз авлибаларимиз ётган ерлар мукдадас зибратгоҳга айланди. Ҳатто кўшни давлат худудидидаги юртдошларимиз қабрлари ҳам шаҳсан Юртбошимиз бошчилигида обод қилинди. Пойтахтимиз, шаҳарларимиз тобора гўзаллашиб бормоқда, йўлларимиз кенгайиб, жаҳон андозалари даражасида таъмирланаётгани бугун ҳар биримизнинг кўнглимизни тўлдирди. Санасак, ютуқлар кўп. Айниқса, ўтган 2006 йил, деҳқонлар учун қўт-баракали, серунум йил бўлди. Давлатга пахта топшириш режасини биринчилардан бўлиб, октябрь ойининг бошида бажарди. Бу ҳам аслида ернинг ўз эгасини топганидан деб биламан. Энг муҳими, Ўшларимизнинг ўз маслаги йўлида оғишмайдиған, интилувчан шакс сифатида камол топаётганидан ҳаводанман. Бунгунги ораш ва иштишларимиз эртанги ёруғ келажақ йўлида қатъий мақсадларга айлансин!

Тоҳир ТОПОЕВ. Тошкент тумани.

«Уддабурон» усталар

Биз Аҳмад ал-Фарғоний номли маҳаллада истиқомат қиламиз. 400 дан зиёд хонадон мавжуд бўлган ушбу маҳаллада телефон тизимидидаги муаммолар кўпчиликнинг асабига тегмоқда. Ҳадеганда алоқа ёмонлашиб, телефонларимиз «соқов» бўлиб қолаверди. Тузатиб беришларини сўраб, идорага муурожаат қилсангиз, улар келиб, чикидан гап очинади. Кейин биласак, биз чақирган усталарнинг «уддабурон»лиги сабаб телефонларимиз «хунар» кўрсатаётган экан. Нега деганда, улар бир аризонининг телефонию тузатиш баҳонасида бошқанининг симини узиб кетишаркан. Қарасизки, эртасига яна «чиш» топилади-да! Маҳаллага тортилган телефон симлари кўчанинг турли ерларида очик ҳолда осилиб ётибди. Пул ишлаб маҳаллани айлиниб юрган усталаримиз эса бу ердан ҳар кунни ўтишди. Бирок бунга мутлақо аҳамият беришмайди. Айни пайтда ҳам Адолат кўчаси, Қори Ниёзий ва Ж.Охунов номли кўчалардаги бир неча хонадонларда деярли беш ойдан буюн телефонлар сукут сақламоқда. Бу ҳолатларга чек қўйишнинг илоҳи бормикан?

Баҳоидир АЛИОХУНОВ ва бошқалар. Фарғона шаҳри.

Ҳуқуқий саводхонлик анжумани

Кун кеча Андижон давлат тиббиёт институтида юртимизда рўй бераётган ислохотлар, ҳуқуқатимиз қарорлари борасида очик мулоқот кечаси бўлиб ўтди. Тадбир Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, Тошкент «Ешлук» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат маркази» қошидаги «Агитатор» ҳуқуқий тарғибот клуби ҳамкорлигида ўтказилди. Унда талабалар, ёш ҳуқуқшунослар ҳамда «Агитатор» клуби фул аъзоларининг ҳуқуқий тарбияга оид маърузалари тинланди. Шунингдек, анжуманда Андижон давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда қонунчилик соҳасидаги муҳим ўзгаришлар борасида тўхталдилар.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ, Андижон давлат тиббиёт институти Маънавият маркази услубчиси.

Қадрлаш — маъсурий иш эмас

Ўқини кетаётганим. Автобусга уч-тўрт яшар қизалоқни етаклаб олган нуруий бир отахон чиқди. Уридиқда ўзим тенги икки йилгича гапшииб ўтирдим. Улардан бири отахонни кўрди-ю, ирғиб туриб, у кишига жой берди. Отахон раҳмат айта-айта ўзига берилган жойга набирасини ўтказди. Йилгичалардан бири эса бу ҳолатни ким кузатди-да, сўнг шеригига шивирлади: «Жойингда тинчгина ўтираверсан бўлмасмиди, жа-а аклисан-да! Кўрдимини, барибир ўзи эмас, неварасини ўтказди. Қариларни қадрлаш йили ўтиб кетган, оғайни-и...» Тўғриси, бу сўзлар гашига тегди. Ахир, Президент бобомиз ўтган 2002 йилни беҳиз бундай номламаганда-ку? Кексаларга бир кун ё бир йил эмас, ҳаммага иззат-иқром қўрсатиш фарзими эканини тушуниб етиш, наҳот, шунчалар мушкул бўлса? Биз отахону онахонларимиз учун биргина автобусдаги ўрнинишнинг бўшашиб берган бўлиши, уларнинг шу юрт келажаги учун, керак бўлса, бугун умрини бағишлаганини унутмайлик. Кексаларга қўрсатишимиз лозим бўлган ҳурмат бизга арзimasдек кўринган жатти-харакатларимиз орқали ҳам ифодаланиши ёдимизда бўлсин.

Адолатхон ҒАЙРАТ ҚИЯ, Тошкент ислом университети қошидаги академик лицей талабаси.

Меҳр улашдингиз, кам бўлманг

Бу йилнинг кириб келиши оиламиз учун қувончли бўлди. Юртбошимиз томонидан «Ихтимойий ҳимоя йили»нинг эълон қилиниши, биздек кўнгли ўқиб ногиронлар давлат ҳимоясида экани кўнглимизни тоғдек кўтарди... Асака туманидаги Файзиобод қишлоғида яшайман. Етмиш ёшни қоралаб қўйдим. Қарамоғимда 6 нафар ногирон бола бор, уларни баҳоликларат тарбиялаб келмоқдаман. Яқинда туман ҳокимлиги мутасаддилари хонадонимизга ташриф буюриб, ҳолимиздан хабар олишди. Оиламизга моддий ва маънавий ёрдам қўрсатишди. Муруватнинг, айниқса, чин дилдан қилинган ёрдамнинг қадри ҳаммаша баланд бўлар экан.

Ғанижон ҚҮРБОНОВ. Асака тумани.

ЕР СИЛКНДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институтининг Тошкент марказий сейсик станциясининг маълум қилишларича, 31 январь кун соат 15 дан 51 дақиқа ўтганда Тошкентдан 180 километр жанубий-шарқда, Тошкентдан билан Қўрғизистон чегара худудиди ер силкениши қайд этилди. Зилзила маркази — Тошкентнинг Исфара шаҳри яқинида ер силкениши 5 балли ташкил этди. Тошкент шаҳрида эса 3-4 балл қайд этилди.

Битим кучга кирганлиги имзоланди

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ваколатли идораси — Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси, «Лукойл Оверсиз», Малайзиянинг «Петронас», Хитой ва Корей давлатлари нефть ва газ компанияларидан иборат сармоядорлар Консорциуми Орол денгизининг Ўзбекистон қисмида махсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимнинг кучга кирганлиги тўғрисида баённомани имзоланди.

Шуни айтиш керакки, лойиҳа буйича ушбу Битим 2006 йил 30 августда Тошкент шаҳрида имзоланган эди. Консорциумнинг барча аъзолари лойиҳада тенг улушга эга бўлиб, унинг амал қилиш мuddати 35 йилга мўлжалланган. Шу билан бирга, Консорциум қатнашчилари «Арал Си Оперейтинг Компани» оператор компаниясининг таъсис ҳужжатларини имзолашга ҳам тайёргарлик кўрмоқдалар. Январь ойида Орол денгизининг сувли, ўтиш ва қирғоқ қисмида сейсик-кидирув ишларини бажариш учун тендер эълон қилинган эди. Иш ҳажми 2300 погон километрни ташкил этади. Унинг тўртдан бир қисми сувнинг чуқурлиги 40 метргача бўлган аква-торияга тўри келади. Яна тўртдан бир қисми ўтиш зонасидан ва яри қуруқликдан иборат бўлади. Март ойининг ўрталарида тендерни яқунлаш режалаштирилмоқда.

Геология-кидирув ишлари икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда минимал дастур доирасида уч йил ичида сейсик-кидирув ишлари бажарилади: минимал мажбуриятлар буйича 100 миллион АҚШ доллари сарфланиб, иккита кидирув кудуги бургуланади. Биринчи босқич яқунлари буйича техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқилиб, тасдиқланади. Кейинчалик унинг тижорат шартлари келтирилади ва иккинчи босқичнинг геология-кидирув ишлари бошланади.

Устурут минтақасининг шартнома унктасида ҳисобланган қисмида кейинги бир неча йил ичида 8 газ конденсати қони очилди, унинг бир нечасини ишга туширишга яришилди. Бу минтақада ўтказилган геология-кидирув Орол денгизининг улкан углеводород салоҳиятидан дарак беради. Орол аква-ториясининг 12,5 миль квадрат километр булган умумий майдониди 30 дан зиёд истиқболли нефть-газ объектлари очилиши мумкин.

Собиржон САЛИМОВ, «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси маъбулот котиби.

2007 йил — Ихтимойий ҳимоя йили

Тақдир экан, Турсунбой Мамажоновга фарзанд кўриш насиб этмади. Куч-қуввати борлиғида билинмади, аммо, вужудини кексалик эгаллай бошлашга, белига мадор бўладиган ўғил ёки қизи йўқлиги сезилиб қолди. Тўғри, бир мuddат кўни-қўшни, қариндош-уруғлар хабар олиб туришди. Аммо, иссик жон, кекса одамнинг ёнида қаровчиси бўлмас қийин. Шунинг учун ихтимойий муҳофаза бошқармаси ходимларининг Саховат уйида яшаш ҳақидаги тақлифларини ҳеч иккиланмай қабул қилди.

ДИЛДАН ҚИЛИНГАН ДУОЛАР

Мана, икки йилдирки, меҳрибон одамлар қуршовида. Ош-овқати жойида. Ки-йим-кечаги охорли. Елғизлик ҳам бир касалик экан, унинг барҳам тоғинидан, қадр-қиммати жойига қўйилаётганидан хурсанд. Тўнов кун кўрсатилган эхтиромдан боши кўкка етганини айтмай-сими. Муассаса директори Ҳамидулло Турсунов пайгамбар ёшини қарши олган ота-хонининг елкасига чопон ташлаб, қўлига гўлдаста тутқазганида, нафақат тантана сабабчиси, балки эрталабки чоғга тўпланган барча чолу кампирларнинг кўзида ёш қалқиди.

Қаровчиси йўқ кексаларнинг бир гуруҳини бағрига олган «Нуронийлар» саховат уйида истиқомат қилаётганларини бари шундай меҳр-муруват, эътибор, парваридан баҳраманд. Наманган вилояти марказининг баҳаво жойида қўним тоғпан мазкур муассасада барча шариот муҳайб. Айни пайтда 32 қариндан ҳар бири ўзига ажратилган, замонавий мебеллар билан жиҳозланган шинам хонада истиқомат қилмоқда. Дам олиш соатлари мазмуни ўтиши учун алоҳида хона бор. Унда телевизор кўриш, радио тинглаш, шахмат-шашка ўйнаш, стол теннис билан шуғулланиш мумкин.

Саховат уйини каттакон бир оила дейсиз. Муқташам бино атрофида бир гектар томорқа, шунча майдонда боб бор. Томорқадан чиққани қозонни қайнатса, ўрик, олма, гилос дастурхонни бозайди. Бултур 2,5 тоннага яқин сабазот, 2 тонна мева йиғиб олинди. Ҳовли четидаги қўрада беш беш қорамол парвариланяпти. Дастурхондан сўт-қатик, гўшт аримайди. Бу, муассаса меҳнатчиларининг узлари етиштираётгани. Асосий таъминот, жумладан, озиқ-овқат махсулотлари, дори-дармон етказиб бериш давлатнинг зиммасида. Бунинг учун етарли маблағ ажратилган. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 21,5 миллион сўм сарфланди. Бунга қўшимча равишда муассасада истиқомат қилувчиларнинг турмуш шариотини яхшилашга ҳизмат қилувчи 6,7 миллион сўмлик юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар сотиб олинди.

— Бу жой худди ўз уйимиздагидек бўлиб қолган, — дейди етмиш ёшли онахон Валентина Каримова. — Хона бекалари, ҳамширалар бирам меҳрибонки, гўёки турганлардек. Дардимизга қўлоқ тутиб, айтганимизни муҳайб қилишга интилишди. Ҳатто, қўйиман десак, китобларга-ча олиб келиб беришди. Ҳаммаси учун фуқаропарвар ҳукуматимизга раҳмат.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ихтимойий муҳофаза



Халқимизнинг деҳқончилик маданиятида сугорил тармоқлари ҳам катта аҳамият касб этади. «Йилгаб-йилгаб марза олсанг, қулиб-қулиб сугорасан» мақоли ҳам бежизга айтилмаган. Ҳозирда мамлакатимизнинг барча худудларида бўлган сингарии Фарғона вилоятида ҳам баҳорги экиш-тиқиш ишларига қизган ҳозирлик қурилмоқда. Хусусан, Фарғона ирригация қурилиш трестига қарашли Боғдод шўба қорхонасига тегишли 10 та техника воситаси билан мавжуд зовур ва каналлар, шунингдек, бошқа сув тармоқлари созланапти. Айтиш жоизки, бу ишларда қорхонанинг «Э-304» русумли экскаватор машинисти Абдуназар Ортиков ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда. СУРАТДА: экскаваторчи А. Ортиков. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

КАДРИЯТ БЕАДАД ШУҚР

Халқимизнинг лисоний хазинасида асллар давомида таҳрир ва изохга муҳтожлик сезмайди-ган ҳикматли сўзлар ҳамда иборалар бор. Сабаби, улар шуқроналиқни ўзига мўжассамлаб, турмуш тажрибалари ва ҳаёт синювларидан ўтган. Яқинда хориж телевиденисининг бир кўрсатувини томоша қилганимдан сўнг онам ҳамини тилга оладиган, эҳтимолки, сўянадиган «беадад шуқр» иборасини тақорладим, беҳитиб.

матимиз эътиборида. Мустақилликнинг 25-қуниб, яъни 1991 йилнинг 25 сентябрида Юртбошимизнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Мукофотлар Абдулло Қодирий, Абдулҳамид Чўпон ва Абдурауф Фитратта вафотидан кейин берилди. 1994 йилнинг 3 декабрида «1994 йил учун адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Абдулло Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларини бериш тўғрисида» Фармон чиқди. Иштирокчиларнинг уч йилги муносабат билан ордени ва медаллар топширилганда юксак мукофот — «Мустақиллик» орденига биринчи бўлиб қўлиб адиб ва улуг инсон Абдулло Қодирий сазовор бўлди. Бу ҳаётидаги рушнолик кўрмага, эъзозланмаган, эл-юрт ҳамда Ватанга қилган хизматлари

қадрланиши у ёқда турсин, ҳаттоки инобатта ҳам олинмаган, қатагон йиллари қурбони бўлган адабиёт даргаларига халқимиз эҳтиром эди. Бундан ташқари ҳар йили Мустақиллик байрами олдидан тақдирланаётганлар рўйхатида «Ўзбекистон халқ артисти», «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган артист», «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган санъат арбоби» деган фарҳали унвонга сазовор бўлаётган санъаткорлар кўпчилиқни ташкил этади.

— Бизга қўрсатилаётган меҳр ва оқибат учун беадад шуқр, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофиза Хасан Ражабий. — Буни оиламиз мисолида айтадиган бўлсам, истиклол йилларида, аввало, падади бузуқворимиз (Юнус Ражабийга (вафотларидан кейин) «Буқ ҳизматлари учун» ордени берилди. Аҳаларим Обид Юнусов Ўзбекистон халқ артисти, Аҳмад Юнусов республикада хизмат қўрсатган маданий ходими, укам Тоҳир Ражабий эса хизмат қўрсатган артист унвонларига сазовор бўлдилар. Бу аслида, маънавият ва маданиятга бўлган юксак эътибордир. Бундай гамхўрлик ва эътироф Ихтимойий ҳимоя йилида ҳам кенг миқёсда ўз аксини топади, албатта.

2007 йилнинг 10 январидида матбуотда давлатимиз янбаридининг «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиғи ни-

шонлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мазкур қарор ўзининг бетакор-у ўлмас асарлари билан юртимиз ва халқимиз тарихида ёрқин эл қолдирган атоқли адиб ижодий меросига берилган юксак маънавий баҳодир. Бундай саодатли воқеалар ва қўнларнинг сабабчиси эса юртимизда ҳўм сурётган тинчлик-осойишталик, тотувлик, бирдамлик, барқарорликдан бошқа нарса эмас. Зотан, ўтганларни хотирлаш, тириклари эъзозлашдек саоват иш миллий гуруру ва миллий тафаккурини камол топтиради. Ватанга бўлган муҳаббатимизни янада кўчайтиради. Буқ давлат қурилишидаги иштирокчимизга мислсиз рағбат беради.

«Биз бугун адолатли, инсонпарвар жамият қураётган эканмиз, аввало, одамларимизнинг қилаётган ишларига, меҳнатига ҳурмат билан қараш, қадрлаш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш сибатимизнинг пой-девори бўлиши шарт. Чўнки одам бундунда ўзининг керакли эканини аңг-лаб яшаса, қилган эзгу ишларининг беиз кетмаслиғига ишонч ҳосил этса, ўзига муносив иззат-иқром қўрса, бундай муносабат меҳнатчиларнинг эл-юрт, жамият олдиди фарзандлик бурчини бажаришида ўз самарасини бериши мукдәрардир».

Зеро, йўлбошимчи мана шундай деб турган юртда яшаётганимиз учун беадад шуқр!

Гулҳоҳра ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида



Расмий Кремль газ экспорти билан шуғулланувчи мамлакатлар ташкилоти тузиш таклифини рад этди. Бу ҳақда Россия Президентининг махсус вакили Сергей Ястржембский маълум қилди. Бироқ у матбуот анжуманида Россия расмий Техрон билан газ соҳасида бирлашма тузиш тўғрисидаги ғоя мавжудлигини тасдиқлади. Эслатиб ўтамиз, бундан икки кун олдин Эроннинг диний раҳнамоси Оятулло Али Хумайний шундай таклиф билан чиққанди. ЕИ Россия ва Жазоирнинг газ соҳасида бирлашмоқда бўлаётганини айтиш мумкинлигини хавотирга тушмоқда. Сабоби, бу икки давлат Европада истеъмол қилинаётган умумий газнинг 35 фоизини етказиб бермоқда.




Украина Президентининг яқин сафдоши — ташқи ишлар вазири Борис Тарасюк истеъфода қолди. Матбуот анжуманида Тарасюкнинг истеъфосини президент қабул қилганини айтган. Манбада айтилишича, Борис Тарасюк мамлакат бош вазири Виктор Янукович билан доимий зиддиятда бўлган. Унинг лавозимидан кетишига журналистлар шу омилни сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Ташқи ишлар вазири Украина сиёсат оламида гарбона қарашлари билан танилган.



Россия Форс кўрфазиди давлатлар иштирокида минтақавий хавфсизлик ташкилоти тузишни таклиф қилмоқда. Бу ҳақда Россия Хавфсизлик Кенгаши котиби Игорь Иванов маълум қилди. У минтақадagi мамлакатлар иштирокида конференция ўтказишни ва унда мазкур ташаббус юзасидан ўзаро фикр алмашиб олиш режалаштирилётганини билдирди. Ивановнинг фикрича, мазкур ташаббусни БМТ Хавфсизлик Кенгаши-

нинг доимий аъзолари ҳам қўллаб-қувватлашади.



Япония томонидан расмий Пхеньянга нисбатан қўлланилган иқтисодий санкция Шимолий Кореяга 74 миллион доллар зарар келтирган. Япониялик иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ўтган тўрт ой давомида қўрилган мазкур зарар мамлакат иқтисодига сезиларли даражада таъсир этган. Сабоби, ушбу кўрсаткич мамлакат ташқи савдо айланмасининг 25 фоизи демакдир.



Сешанба кuni эрталаб Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо секторига ракета ҳужуми уюштирди. Мамлакат мудофаа вазири Исроил Ғазо секторига ҳужумдан мақсад минтақадagi Карни ўтиш чегарасидаги ерости йўлини портлатиш эканлигини расман билдирди. Унинг сўзларига қўра, мазкур ерости йўлидан жангарилар Исроилга ноқонуний равишда қурол олиб ўтишда фойдаланган.



Вашингтонда бир неча ўн минг кишилик норозилик намойиши бўлиб ўтмоқда. Улар Ироқда олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилишини талаб қилишмоқда. Кўп минг кишилик намойишлар Сан-Франциско, Лос Анжелес ва Сакраменто ҳам бўлиб ўтмоқда. Мамлакат пойтахтидаги митингга Голливуднинг таниқли актёрлари ҳамда сиёсатчилар ҳам иштирок этаяпти.

Куба етакчиси Фидел Кастро уч ойдан сўнг мамлакат телевидениеда кўриниш берди. Бу вақт давомида унинг саломатлиги ёмонлашгани тўғрисида турли хабарлар пайдо бўлган. Утган ҳафта Куба президенти Уго Чавес билан учрашган. Хабарларга қараганда, Кастронинг аҳоли бирмунча яхшиланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Сиз нима дейсиз?

Мустақиллик йилларида мулкчиликнинг турли шакллари юзага келди: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ривожланди. Жумладан, жамоат транспортининг хусусийлаштирилиши ҳам аҳоли учун қатор қулайликлар келтириб чиқарди. Айниқса, шахарлараро ҳаракатланадиган автобус йўналишларида хусусий транспорт воситаларининг катнаши оғиримизни енгил қила бошлади. Чунки бундай автобуслар ва йўналиш таксилари вақт билан ҳисоблашмасдан, кечаю-кундуз аҳоли хизматида. Бироқ...

Ана шундай имкониятларга эга бўлган транспортлардаги бир ҳолат кишини қаттиқ ўйга толдиради. Аниқроқ айтганда бўлса, баъзи ҳолатларда нархнаво бирданига кўтарилади. Айниқса, байрамлар, талабаларнинг қиши ва ёзи таътиллари арафасида йўлқира икки-уч баравар ошиб кетади. Шунингдек, қишли-кировли кунларда, йўлни қор қоплаб шахсий машиналар қатнови қамайганда ҳам айни шу ҳолат кузатилади. Ҳўш, бунга сабаб нима? Тўғри, ёқилги ва мойлаш материаллари нархининг кўтарилиши, кундалик нарх-навоининг ошиши йўлқира ҳақиқа таъсир кўрсатиши, табиий. Демак, бундай ҳолатларда вазиятдан келиб чиқиб, йўлқира маълум даражада кўтарилиши мумкин. Бизнингча, бозор муносабатларига аста-секин кўникиб бораётган фуқароларимизда бунга ҳеч қандай эътироз тугилмайди.

Аммо байрамлар ва таътил кунларидаги йўлқира ҳақининг икки-уч баравар ошириб юборилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Назаримизда, бу — бозор муносабатлари талаб-

САВОБ ОЛИШ ПАЛЛАСИ

ларини тўғри тушунмаган, халқимизнинг азалий урф-одатларидан беҳабар, инсоф-диёнати унутган кимсаларнинг иши.

Узингиз ўйлаб кўринг. Айни байрам кунларида ўз ота-онаши, қариндоши, уруғи, ўзи тугилиб ўсган маҳалла ақлидан хабар олиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи, инсонийлик фазилати саналади. Айни шу ниятда киши йўлга чиқди, бироқ йўлқира ҳақи «осмонда».

Айни шу жараённинг соф маънавий жиҳатларини ҳам унутмаслик лозим. Аслида, бутун машавақат транспорт эгалари билан «савдолашиш»дан бошланади. Улардан «Нарҳин нега бун-

чалик оширдигиз?» деб сўрасангиз, «Ака, ҳаражати қоллашим керак» деган жавобни оласиз. Транспорт эгалари бошқа шериклари ва ҳамкасблари билан

келишиб олишган: худди давлат прејскурантида белгилангандек, ҳаммасининг нархи бир хилда. Уларни қанчалик инсофга чақирманг, фойдаси йўқ. Пенсиянер одамми, ёш болали аёлми, ногирон кишини — улар учун

бунинг аҳамияти йўқ. Амалда нима бўлса: кирақашлар миқдор кўпайган пайтда «қўлларини иситиб олиш» пайида ҳаракат қилишади. Ваҳоланки, чуқурроқ ўйлаб кўрилса, айни шун-

дай палла халқнинг раҳматини, олқишини оладиган, савобга сазовор бўладиган онлардир. Шу сабабли бўлса керак, аждодларимиз савобталаб онларни оракиб қутушган, четдан келтирилган молларнинг нарҳини пасайтириб, имкон қадар арзонроқ сотишга ҳаракат қилганлар. Етим-есирларга, ночор оила фарзандларига ҳатто бепул бе-

риб юборишган. Хориждаги тадбиркорлар ҳозир ҳам бундай савобли ишларни амалга ошириб турадилар. Наҳотки, ўша анъаналар — маънавий қадриятларимиз бугун унутилган бўлса?!

Назаримизда, бу — кундалик ҳаётда учраб турадиган оддий ҳолат эмас. Унга биз жамият манфаати юзасидан қарашимиз ва ҳулоса чиқаришимиз зарур. Чунки, хусусий транспорт воситаларидаги ўзбошимчаликларга чек қўйилиши, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларда йўлқира ҳақининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Бунинг учун мазкур транспорт воситалари учун рухсатнома — лицензия берган мутасадди давлат ташкилотлари бундай ҳолатни муқтазам назорат қилиши, нарх-навоини мувофиқлаштириб бориши мақсадга мувофиқдир.

Равайн ЖОМОНОВ, доцент.

Тошкентда ҳинд Баҳори

Ҳиндистон Республикасининг Миллий байрами — Республика кuni нафақат мазкур мамлакатнинг ўзида, балки бошқа қўллаб дўст давлатларда ҳам кенг нишонланди.

Мамлакатимиздаги Шастри номидаги ҳинд маданият маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирилиги, «Ҳиндистон — Ўзбекистон» дўстлик жамияти ташаббуси билан кuni кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида шу са-

нага бағишланган байрам тадбири ўтказилди. Катта сахнада ўзбекча ва ҳиндча кўшиқлар, рақслар ижро этилди. Ҳинд санъаткорлари ижро этган йога ҳаракатлари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Кечада «Сўғдийна» комер оркестри ўзининг

янги концерт дастурини намойиш этди.

— Мазкур байрамга тайёргарлик кўришимиз давомида асосий эътиборни ҳинд ва ўзбек халқи маданиятининг бир-бирига ўхшаш жиҳатларига қаратдик, — дейди мазкур байрамдаги рақслар сахналаштирувчиси, Ҳиндистон маданият маркази ўқитувчиси Ранджана Саркар. — Шу мақсадда мамлакатларимизнинг рақс санъати қирра-

ларини намойиш этувчи хореография элементларидан иборат дастурни сахналаштирдик. Ўзбек тилига «Баҳор» деб таржима қилинган «Басант» классик мусиқали дастури баҳорни кутиб олишга бағишланган. Ҳозир қиш фасли бўлишига қарамай, Ҳиндистонда яқин кунларда баҳор кириб келган ҳисобланади. Хуллас, биз ушбу дастур орқали Ўзбекистонга ҳинд баҳорини олиб келишга ҳаракат қилдик.

Юлдуз РИЗАЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Сахнада «Захарли томчи»

Аср вабоси бўлган гиёҳвандликка қарши кураш ижодий жамоалар дастуридаги долзарб мавзулардан. Алишер Навоий номи Наманган вилоят театрида сахналаштирилган «Захарли томчи» драмасида ҳам ана шу иллатга гирифторм бўлган йигит фожияси, уни бу йўлдан қайтаришга аҳд қилган қиз муносабатлари тасвирланган. Инобат Турсунова қаламига мансуб ушбу асарни режиссёр Шўҳрат Абдуллаев сахналаштирди. Кuni кеча янги спектаклнинг тақдими маросими ўтказилди. Томошабинлар асардаги образларни қиёмга етказиб ижро этган Асила Давлатова, Абдубосит Сафаров, Садриддин Саримсоқов сингари актёрларнинг ижро маҳоратини юқори баҳолашди.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объектов любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы охраны периметров
Навигационные системы
Системы контроля доступа
Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок

Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива

ул. Дружбы народов, 44. Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68. E-mail: vinlad@sarkor.uz Web-site: www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банкининг мижозлари диққатига!

Мижозларга кўрсатилаётган барча банк хизмат турлари сифатини яхшилаш, шу билан бирга, банк ходимлари томонидан намунали хизмат кўрсатиш мақсадида сизларни қизиқтираётган саволлар бўйича банкининг қуйидаги

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»
рақамлари орқали мурожаат этишингизни сўраймиз.

МУРОЖААТ УЧУН БОШ ОФИСНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:
(371) 120-86-87, 120-81-73, 120-82-72, 120-82-84, 120-39-81.

МУРОЖААТ УЧУН ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

- | | | |
|-----|----------------------------|-----------------|
| 1. | Тошкент шаҳар филиали: | (371) 120-83-00 |
| 2. | Автотранспорт филиали: | (371) 120-39-01 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали: | (371) 120-84-23 |
| 4. | Юнусобод филиали: | (371) 125-16-33 |
| 5. | Сирғали филиали: | (371) 57-87-55 |
| 6. | Тошкент вилоят филиали: | (371) 120-84-04 |
| 7. | Анджон вилоят филиали: | (3742) 24-56-98 |
| 8. | Асака филиали: | (3742) 33-35-05 |
| 9. | Фарход филиали: | (3742) 24-29-68 |
| 10. | Фарғона вилоят филиали: | (3732) 24-72-14 |
| 11. | Марғилон филиали: | (3732) 33-19-20 |
| 12. | Олтиариқ филиали: | (3734) 32-19-80 |
| 13. | Кўкон филиали: | (3735) 52-61-01 |
| 14. | Қашқадарё вилоят филиали: | (3752) 21-15-38 |
| 15. | Сурхондарё вилоят филиали: | (3762) 27-35-85 |
| 16. | Қорақалпоғистон филиали: | (3612) 23-72-45 |
| 17. | Хоразм вилоят филиали: | (3622) 26-96-03 |
| 18. | Бухоро вилоят филиали: | (3652) 23-11-15 |
| 19. | Бухоро шаҳар филиали: | (3652) 24-24-29 |
| 20. | Самарқанд вилоят филиали: | (3662) 31-19-43 |
| 21. | Афросиёб филиали: | (3662) 34-18-12 |
| 22. | Сирдарё вилоят филиали: | (3672) 25-28-61 |
| 23. | Наманган вилоят филиали: | (3692) 26-91-45 |
| 24. | Давлатобод филиали: | (3692) 32-23-15 |
| 25. | Навоий вилоят филиали: | (4367) 70-21-28 |
| 26. | Зарафшон филиали: | (4365) 73-18-82 |
| 27. | Жиззах вилоят филиали: | (3722) 26-34-90 |

Хурматли юрtdошлар!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК» И

сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади.

- «Туронбанк» сўм пластик карточкалари — бу сизнинг электрон ҳамёнингиздир.
- «Туронбанк» сўм пластик карточкалари эгалари республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга ошириши мумкин.
- Иш ҳақи, нафақа ва унга тенглаштирилган тўловларни кечиктирмай, белгиланган тартибда пластик карточка ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин.
- Пластик карточка орқали барча тўловларни, шунингдек, нақд пулсиз коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.
- «Туронбанк» сўм пластик карточкасидаги қолдиқ суммага, ойма-ой капитализация қилиш ҳисобига йиллик 14 фоиз устама даромад ҳисобланади.

БУНДАН ТАШҚАРИ, «ТУРОНБАНК» КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА КОРПОРАТИВ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

БУНДА КОРХОНАЛАР ЎЗИНИНГ ВАҚТИ ВА МАБЛАҒЛАРИНИ ТЕЖАШИ МУМКИН.

КОРПОРАТИВ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР — БУ КОРХОНАНИНГ УНИВЕРСАЛ ТЎЛОВ ВОСИТАСИДИР.

- «Туронбанк» сўм пластик карточкангиз ва омонатингиз бўйича барча маълумотларнинг сир сақланишига қафолат беради.
- «Туронбанк» сўм пластик карточкасидаги ва омонатидаги маблағлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Маълумот учун телефонлар: 144-32-32, 144-32-52.

«Туронбанк» сиз билан, сиз учун!

Республика ички бозори ва хориқлик мижозлар учун пахта толасидан бир неча турдаги маҳсулот етказиб берадиган бу корхона тантанали суратда очилди. Юзлаб бармоқлар пашонадаги реза-реза терлари сиқиб ташлади. Корхонани бунёд этишда фаол иштирок этган лойиҳачи муҳандислар, пудратчи ташкилотлари ўша кўли гул қувурлар шаънига илиқ-иссиқ гаплар айтилди.

«Миркамол Бекзод» хусусий қурилиш корхонаси ҳам ана шу илгорлар, ана шу мактос эшитган пудратчилар сафида эди. Қўшма корхонанинг муддатидан аввал ишга туширилишига муносиб хисса қўшгани, қолаверса, соҳадаги кўп йиллик самарали фаолияти учун бу корхона, бошқа пудратчилардан фарқли ўлароқ, вилоят ҳокимлигининг «Фахрий ёрлиғи»га ҳам муносиб кўрилди.

Журналист суриштируви

суди қарори ижроси чўзилгандан-чўзилди. Фурсатдан фойдаланган қўшма корхона вакиллари Олий ҳўжалик суди раёсатига протест киритиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишди. Раёсат

ажбуу уйғотади. У судда муҳокама қилинаётганда А. Тураев пича қизариб, бошқармада мутахассис эмас, юрист бўлиб ишлашини тан олгани ҳам судья Анвар Сувоңқуловда хулоса-

Спорт

Ўтган кунни Тошкентда халқаро гротсмейстер, собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов бир вақтнинг ўзида терма жамоани аъзолари билан сванс ўтказди.

Қосимжонов терма жамоадан кўчди

XVII жаҳон чемпиони-га халқаро гротсмейстерлар Сайдали Йўлдошев, Шўҳрат Сафин, Антон Филиппов, халқаро спорт устаси Сергей Қасимов ва спорт устаси Нафиса Мўминова рақиблик қилди. Унинг 4:1 уч туқ, икки дуранг ҳисобида собиқ жаҳон чемпиони фойдасига ҳал бўлди.



Рекордчилар сонини ошмоқда

Республика Мудофиа вазирлигининг ҳарбий қисм ва ҳарбий таълим олий билим юрталари жамоалари ўртасида тош кўтариши (икки кураш) мусобақалари мунтазам ўтказиб келинади.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида уч кун давом этган бу йилги чемпионатда ҳудудий беллашуларда яхши натижаларга эришган 65 нафар полков - ҳарбий хизматчи иштирок этди. 80 килограмм вазндаги спортчилар ўртасида голиб чиққан катта лейтенант Ойбек Ймонов, 90 килограммга оғирлиқдаги полковлар беллашуви голиби лейтенант Фозилжон Темиров ҳамда 90 килограммдан юқори вазндаги полковлар ўртасида чемпион бўлган лейтенант Мирқомил Хамдамовлар номи вазирлик чемпионати рекордчилари сафига ёзилди.

Шунингдек, ҳарбий спортнинг тош кўтариш мусобақаларида курсант А. Хамидов (65 кг) ва курсант Х. Тангрибергеновлар (70 кг) чемпионат шохуспасининг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Умумжамоа ҳисобида чирчиқлик ҳарбий спортчилар энг яхши натижага эришдилар.

Баҳрияддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илк медаллар эгасини топмоқда



Хабарингиз бор, шу кунларда Хитойнинг Чангчун шаҳрида навбатдаги XVI қишки Осиё ўйинлари қизғин давом этмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, бу сафарги беллашуларнинг анча нуфузи ошган. Биринчи Осиё ўйинларида ўнға яқин давлатдан спортчилар катнашганди. Чангчунга эса қирқдан ортқ давлатдан вакиллар келди. Қишки Осиё ўйинлари ўнға спорт тури бўйича ўтказилган бўлса, ўзбекистонликлар фақат фигурали учин ва тоғ чангиси бахсларида катнашмоқдалар. Кунни кеча чангичиларимиз мусобақаларга киришдилар.

Қишки Осиё ўйинларида Хитой мамлакати спортчилари пешқадамликни ҳеч кимга бермайдиган кўринади. Ҳозиргача улар 11 та олтин, 9 та кумуш ва 13 та бронза медалга эгалик қилишмоқда. Япония ва Жанубий Корея давлатлари спортчилари медаллар жағмарига бунча иккинчи учинчи ўринларда боришмоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Ойнинг энг яхши мақоласи

Ўтган 2006 йилда таҳририятимизда таркиб топган аънава бу йил ҳам давом эттирилди. Шунга кўра, газетанинг жорий йил 9 январь сонида чоп этилган андижонлик ёзувчи Ҳабиб Сиддиқнинг

«ВИЖДОН ИМТИҲОНИГА ТАЙЁРМИЗМИ?»

сарлавҳали публицистик чиқиши ойнинг энг яхши мақоласи деб топилди. Муаллиф «Халқ сўзи» газетаси таҳририятининг эсдалик совғаси билан тақдирланади.

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА ?

Гулистондаги «Сайхунмедтекс» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси муваффақиятли фаолият юритиб келяпти. Аммо...

— Қурилиш-монтаж ишлари давом этаётган паллада буюртмачи корхона раҳбарлари билан ораминдан қил ҳам ўтмасди, — дейди «Миркамол Бекзод» раҳбари Миррайим Отабеков. — Корхона ишга туширилиши арафасида эса буюртмачилар негадир ҳисоб-китоб ҳужжатларига имзо чекишни лайсалга сола бошлашди. «Бироз шоманглар... Шундай катта корхона қимдандир қарадор бўлиб қолмас. Ахир ўртамизда шартнома борку...» дейишди. Очиги, биз ҳам икки йиллик меҳнатимизга яқини баҳо бериладиган пайтда уларнинг икки ойини бир этикка тиқшини хоҳладик. Ҳомуст ичган банда эканлигини эса, мана, энди тушуна боладик... Корхона раҳбарлари тўй ўтиб, тўйқозон ағдарилган, бирдангина тўйларни тексари кийиб олишди. «Сизлар бажарган жами иш учун 400 эмас, балки 300 коэффицент микдорига ҳақ тўлаймиз. Қолаверса, биз сизларга 53 миллион сўмлик цемент, темир-терсақ, кум, шағал ва бошқа хомаш ётказиб берганмиш...» дейишди.

...Миррайим Отабековнинг фиғони фалакка етди. У билан қишни қиш демая, ёзни ёз демая изғирину саратонда жонини жаборга бериб меҳнат қилган юзга яқин қувуви тилини тишлаб қолди.

Икки ўртадаги можаро аввал вилоят ҳўжалик судида, сўнгра Олий ҳўжалик судида қўрилди. Гулистонда «Миркамол Бекзод»нинг давлолати раид этишган бўлса, Тошкентда уларни ҳақ деб топди.

Мана шу нуктада ўқувчиларга баъзи бир тушунтиришлар бериш ахтиёжи сезилади. «Сайхунмедтекс» қурилиш-монтаж ишларини пудратчи корхоналар қўмағида эмас, балки ҳашар йўли ёки ўз кучи билан амалга оширганга эди, қувурилганга бирмунча кам коэффицент қўллаб ҳақ тўласа, бирор қимса оғиз очолмасди. Аммо буюртмачи билан пудратчи ўртасида ҳар иккала томон раҳбарлари имзолаган расмий шартнома мавжуд. Демак, ҳақ шартнома бўйича тўланиши шарт. Ақ ҳолда, пудратчи корхонанинг моддий манфаатдорлигига зарар етати. Ахир, хусусий қурилиш корхонаси икки йил давомида қуруқ раҳмат эвазига ишламайди-ку! У қурилиш учун хомашё харид қилиши,

ишчиларнинг ойлик маошларини мукофот пулларини вақтида бериши, даромад солиғи тўлаши ва ҳўказо-ҳўказо мажбуриятларни бажариши лозим.

— «53 миллион сўмлик қурилиш хомашёси берганмиш», дея даъво қилаётган корхона каттақонларига кичик бир саволини бор, — дейди Миррайим Отабеков. — Сизлар хомашё берган бўлсанларингиз, менинг ишончномаларим кимнинг қўлида турибди? Қани улар? Ахир, гап бир-икки миллион тўғрисида эмас, 53 миллион сўм устида кетаяпти. Наҳотки, шунчалик катта микдордаги маҳсулотни биронта ҳўжатсиз мена қўйқўллаб тўтказган бўлишса?

Қарангки, бизнинг бу саволимига улар ҳам, вилоят ҳўжалик суди судьялари ҳам тайинли жавоб айтишолмади. Суд мажлисларида бу гап қўзғалиши биланқо ҳамманнинг қўлоғи ашитмайдиган бўлиб қолди. Қурилиш учун мен харид қилган ўнлаб турдаги хомашё қардан олингани, қанчага олингани тўғрисидаги ҳўжатлар корхона раҳбарларига ҳам, судга ҳам тақдим қилинган. Бирок низои бартараф этишда муҳим далил бўлган бу ҳўжатлар даярли муҳокама қилинмади. Биз баъзан буюртмачи ҳисобидан ҳам мажбурут олганими тўғри. Лекин буюртмачи корхона мутахассислари, ҳўқуқшунослари ана ўша хомашё микдорини зўр бериб ошириб кўрсатишмоқда. Ҳолбуки, судда айтилган ҳар бир гап ҳўжат билан, далилу мантқиқ билан исботланиши керак.

Қолаверса, «Сайхунмедтекс» ўнлаб пудратчи жамоалар меҳнати билан бунёд этилди. Баъзи пудратчилар қурилиш давом этаётган дамларда буюртмачи билан тил топишолмай ишни ташлаб кетишди. Корхонанинг собиқ раҳбари Собиржон Исмоилов ўша дамларда Миррайим Отабековни қаҳриб, бошқалар чала-ғим ташлаб кетган объектларни ҳам тугатиб беришни илтимос қиларди. «Вақт оз қолапти, — дерди у. — Катталар олдига юзмиш шувёт бўлисан. Сизларда тақриб ҳам, ишчи кучи ҳам етарли. Шу чала ишларни ҳам адоғига етказиб берамангизлар...»

Отабеков корхона раҳбар-

ларининг илтимосини тўғри тушунарди. Корхона қанча барвақт ишга туширилса, қўллаб одамлар муқим иш ўрни ва тайинли даромадга эга бўлиши яхши биларди.

Корхона пудратчи раҳбари бўлган бўлса, лойиҳада кўзда тутилган сарф-харажатлар ошиб кетди, деган хавотир билан «Сайхунмедтекс»да бир неча бор тафтиш ўтказилди. Аммо тафтишчилар пичоққа илингулик далил топишолмади. Собиржон Исмоилов ишдан кетди. Бугун икки корхона раҳбарлари имзолаган шартномани «Сайхунмедтекс»да тилга олишни ҳам, эсланиши ҳам хоҳлашмайди.

Энди андақ ортга қайтайлик. Юқорида Олий ҳўжалик суди вилоят ҳўжалик судининг қарорларини бекор қилиб, «Миркамол Бекзод» давлолатини қонуний деб топингани эслатгандик. Қуйида ана шу қарорнинг асосий қисмини айнан келтираймиз: «Жавобгар «Сайхунмедтекс» қўшма корхонасидан давлолат «Миркамол Бекзод» хусусий корхонаси фойдасига 44.337, 928 сўм асосий қарз, тўлаб чиқилган 4000 сўм почта харажатлари ундирилсин...»

Бундай олиб қараганда, ҳақиқат тантана қилганда, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими пудратчи корхонага юқорида тилга олинган пулларни ундириб бериши лозим эди.

— Бу идора раҳбари Рустам Эргашев жуда сабр-тоқатли одам экан, — дейди Миррайим Отабеков. — Эрта келинг-индин келинг, дея икки бор бир неча ойга чўзди. Гоҳ «Сайхунмедтекс»нинг бандадаги ҳисоб рақамидан пул йўқлигини, гоҳ ўзи қаёқдир шовшииб турганини рўқаб қилишдан нарига ўтмади. Миллион-миллион сўм соф фойда кўриб ишлаётган қўшма корхона ҳисобида пул йўқлиги кишини ажаблантиради.

Хуллас, Олий ҳўжалик

низои қайта кўриб чиқиш учун ишни яна Сирдарё вилояти ҳўжалик судига юборди. Бу ҳақдаги қарорда қуйидаги жўмалар бор эди: «Ишчи янгидан кўриш мўбайнида лойиҳа-смета ҳўжатлари талаб қилиб олиниб ўрганилиши, тарафларнинг барча важдари, шу жумладан, бажарилган ишлар қиймати-га нисбатан қўланиши лозим бўлган коэффицентлар микдорига аниқлик киритилиши, юқлама харажатлар ва режалани йўғмалар физио тўловини қайси объектлар бўйича (маъмурий бино, цехлар) қўланиши масаласи муҳокама қилиниши, ишдаги ҳўжатларга баҳо берилиши ва тўпланган далиллар йиғиндисини асосида низо ҳисобидан қонуний ва асосланирилган қарор қабул қилиниши лозим бўлади...»

Бу кўрсатмалар ўта аниқ ва лўнда эди. Вилоят ҳўжалик суди раҳбарлари зиммасида низои қайта кўриш учун суд мажлиси расиллигига қурилиш соҳасини яхши биладиган, ҳўжатлар билан ишлашда катта малакага эга тақрибали судьяни тайинлаш вазифаси турарди. Аммо бир неча бор бўлган суд мажлисларида судья Анвар Сувоңқулов қурилиш соҳасини яхши билмаслигининг, қайси масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини «унутиб» қўйишининг ғувоҳи бўлиб, очиги, ҳайрон қолди.

У савол бериб жавобини тингламади, тарафларнинг далил ва ҳўжатларига ҳуқуқий баҳо беришда шовша-шоарликка йўл қўйди. Низои қонуний ҳал этишда асосий ҳўжат ҳисобланган шартнома, лойиҳа-смета ҳўжатлари, даволатнома ва ишончномалар каби муҳим далилларни эътибордан четда қолдирди.

Сирдарё вилояти давлат экспертизаси бошқармаси эксперти А. Тураев судга тақдим этган ярим бетлик хулоса эътибор қандай қилишди та-

нинг ҳаққонийлигига заррача шубҳа туғдирмади.

Олий ҳўжалик суди қароридан қандай масалалар муҳокама этилиши таъкиқланган эди-ю, лўнда қилиб айтганда, Юқори суд кўрсатмаси бажарилмади. Афтидан, малакасизлик «Миркамол Бекзод» даъволарини рад этиш ҳақида қарор қабул қилган Анвар Сувоңқуловнинг оёғига тушов бўлиб тушди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрдаги 375-сонли қарорининг 7-иловоасида қўшма корхоналар билан шартнома асосида ишлаётган пудратчи ташкилотлар ўртасидаги имолиявий муносабатларда энг муҳим ҳўжат тарафлар имзолаган шартнома эканлиги алоҳида ўқитиб ўтилган. Бу шартноманинг бандлари сўзсиз бажарилиши ва ундаги келишувни рад қилишига учинчи томоннинг ҳақи йўқлиги қонун билан қарор қилиб қўйилган. Афсуски, ана шу муҳим талаблар ҳам судлар томонидан инобатга олинмади. Ана, оқибати: бугунги кунда «Миркамол Бекзод»нинг фақат солиқдан қарзи 10 миллион сўмга яқинлашиб қолди. Унга ишчи-хизматчилар оломай қолган ойлик ва мукофот пулларини қўшқас, «Миркамол Бекзод» банкротлик ёқасига келиб қолгани янада ойдинлашди. Ажаб, қурилиш-монтаж ишлари жўдал кетаётган дамларда фақат мактос эшитган, корхона фойдаланишига топширилганда олқаш олган бу корхона нега сув келтириб ҳор бўлган қимса қолига тушиб қолди? Энг ажаблантирилсин, на «Сайхунмедтекс» раҳбарлари, на иншоотни қабул қилиб олган нуфузли ҳайъат аъзолари улар бажарган иш ҳажми сифати тўғрисида ярим оғиз ҳам эътироз билдирмаганда-ку...

Судлар биноси пештоқда қўлида тарози турган кўзи боғлиқ Фемидаси бор. Бу рамз замирида одамзотнинг кўзи боғлиқ бўлса ҳам, ҳақиқат тоши турган паллани бемалол кўради, деган маъно яширинган.

Демак, биз ҳам сўнги хулосани қўлларидан адолат тарозисини тутиб турган кўзи очиқ одамлардан кутамиз.

Алиқул ХОНИҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

GAZ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТУЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

GAZ-3307, Автовакуатор

GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сон — 112 та, 3 ўриндиқли

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь», ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, санитат қоллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқўтарғичлар, автоустоҳоналар, бурғулаш (буrowье), чикинди ташийдиган, мобил балиқдорлар, автовакуаторлар, АВТОДИСТЕРНАЛАР: сўт ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳрирининг компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа ақциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳўл яқини — 21.05 Тошйирлиди — 21.10

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи кўчи — А. Орпов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев.
Навбатчи — М. Охуюнова.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббева.